

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВ НОДИР БАҲОДИРОВИЧ

**ПОЙАБЗАЛ ДЕТАЛЛАРИ УЧУН ПОЛИМЕР-ТЎҚИМА (НОТЎҚИМА)
ҚАТЛАМЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЯРАТИШ**

05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctor (DSc) Dissertation Abstract

Мирзаев Нодир Баходирович

Пойабзал деталлари учун полимер-тўқима (нотўқима) қатламли материалларни яратиш..... 3

Мирзаев Нодир Баходирович

Создание полимерно-текстильных (нетканых) слоистых материалов для деталей обуви..... 31

Mirzaev Nodir

Creation of polymer-textile (non-woven) laminated materials for shoe parts..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВ НОДИР БАҲОДИРОВИЧ

**ПОЙАБЗАЛ ДЕТАЛЛАРИ УЧУН ПОЛИМЕР-ТЎҚИМА (НОТЎҚИМА)
ҚАТЛАМЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЯРАТИШ**

**05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/T287 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://web.ttyesi.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рафиқов Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор
Тешабоева Элмира Убайдуллаевна
техника фанлари доктори, профессор
Жураев Асрор Бахтиёр ўғли
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси 5. Тел.: (+99871) 253-06-06, факс: (+99871) 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz ТТЕСИ маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси 5. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08 e-mail: titlp_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2021 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.К.Сабиров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

И.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш хузуридаги бир марталик
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда микротузилишини мақсадли ўзгартириш ва бошқариш орқали кўп компонентли ва функционал материалларни яратиш бўйича тадқиқотларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Бундай композициялар замонавий қарийб 50% пойабзал, мўйна, 60% тери-галантерия буюмлари ишлаб чиқаришда, хусусан пойабзал учун термоизоляция астарлик материаллар олишда кенг қўлланилади. Толали табиий ва синтетик хомашё асосида кўп қатламли материалларнинг чиқиндисиз, ресурстежамкор, экологик ҳавфсиз инновацион технологияларини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда термоизоляция, ҳаво ва буғ ўтказувчи қатламли материаллар яратиш, технологиясини ишлаб чиқиш ва хоссаларини мақсадли яхшилашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, табиий толали материаллар ва уларнинг чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда юқори иссиқлик сақлашни таъминлайдиган, физик-механик ва санитар-гигиеник хоссалари ҳам юқори бўлган полимер – тўқима ёки нотўқима композицион материалларини яратиш ушбу йўналиш истиқболини белгилайди. Материалнинг эксплуатацион хоссалари билан уларнинг табиати, таркиби, тузилиши, ишлаб чиқариш технологиясини боғлиқлик қонуниятларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз иқтисодиётида тўқимачилик ва пойабзал саноати етук ва динамик ривожланаётган тармоқлардан бири бўлиб, маҳаллий хомашёлар асосида қатламли материалнинг ассортиментини кенгайтириш, пойабзалнинг инновацион бутловчи қисмларини яратиш, технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ¹ принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, йигиришга яроқсиз туя ва қўй жунларидан фойдаланган ҳолда фазалараро сиртларда содир бўладиган физик-коллоид ҳодисаларнинг қонуниятларига асосланиб қишки пойабзал учун иссиқлик сақловчи, экологик тоза қатламли материалларни олиш, пойабзал ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 28 майдаги ПҚ-4341-сон «Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан, Шанхай муҳандислик фанлари университети (Хитой), Дунхуа университети (Хитой), Синсю университети (Япония), Лилль университети (Франция), GIET университети (Ҳиндистон), Минью университети (Португалия), Тўқимачилик муҳандислиги ва полимер материаллар институти (Польша), IMDEA материаллар институти (Испания), Politecnico di Bari (Италия), Universitat Politecnica de Valencia (Испания), Полимер материаллар институти (Эрланген, Германия), Ҳиндистон кимёвий технология институти (Ҳиндистон), Сан-Хосе Давлат университети (АҚШ), А.Н.Косыгин номидаги Россия давлат университети (Россия), Дон давлат техника университетининг Шахти шахридаги филиали “Ҳизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳалари институти” (Россия), Витебск давлат технология университети (Беларусия) ва бошқаларда пойабзал деталлари учун полимер-тўқима ва нотўқима материалларни яратиш, таркиби, тузилиши ва хоссаларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Полимер-тўқима ва нотўқима материалларни яратиш, таркиби, тузилиши, хоссалари, қўлланилишини аниқлаш бўйича жаҳонда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида: енгил сэндвич-пайвандли толали кўпикланган нотўқима материаллар олинган (Тяньцзинь политехника университети, Хитой), кўп фокусли тасвирларни кўшиш асосида нотўқима материалларнинг структура тавсифномалари ва хоссалари аниқланган (Шанхай муҳандислик фанлари университети, Хитой), мойни сувдан ажратиш ва ифлослантирувчи моддалардан тозалаш учун интеллектуал нотўқима материал яратилган (Дунхуа университети, Хитой, University Avenue West, Ватерлоо, Онтарио, Канада), қайта ишланган юқори мустаҳкамликдаги полиэфир ва Kevlar® чиқиндилари сэндвич-структурали нотўқима материални кучайтириш учун фойдаланилган (Фэн Цзя, Тайчжун университети, Тайвань; Синсю университети, Нагано префектураси, Япония), ишлаб чиқариш жараёнида зиғир толали нотўқима материалларнинг хоссалари таҳлил қилинган (Лилль университети, Рубе, Франция), ингасанчиқли нотўқима материал билан армирланган полимер композитлар ишлаб чиқилган ва тавсифномалари аниқланган (GIET университети,

Гунупур, Ҳиндистон), нотўқима материал билан армиранган полимер композитларнинг термомеханик тавсифномалари аниқланган (GBPIET Pauri, Уттаракханд, Ҳиндистон), полиамид 6 бўш микрокапсулалари ва янги тўқимали структураларини пресслаш билан олинган полимер-композитлар ишлаб чиқилган ва тавсифлари аниқланган (Минью университети, Гимарайнш, Португалия), турли материаллар тўпламидан тайёрланган пойабзалнинг ички микроклими ўлчанган (Чарм саноати институти. Лодзь, Польша), игна санчиқ нотўқима материалларнинг деформацияси ва энергиянинг ёйилиши механизмлари аниқланган (IMDEA материаллар институти, Мадрид, Испания), каноп/кокос толалари билан армиранган полимер нанокомпозитларнинг физик, механик ва биопарчаланиш хоссалари аниқланган (Universiti Putra Malaysia, Malaysia), экологик тоза нотўқима материалларда жун чиқиндиларидан фойдаланилган (Politecnico di Bari, Италия; Universitat Politècnica de València, Испания), тоза ва чатишган кўй жун чиқиндиларидан тайёрланган матоларнинг товушни изоляциялаш ва иссиқликни изоляциялаш тавсифномалари аниқланган (Бонаб университети, Тебриз университети, Исфохон технология университети, Эран; Сан-Хосе Давлат университети, АҚШ), тиббий мақсадда қўлланиладиган нотўқима материаллар яратиш ва ёши катта ҳамда ёш болалар пойабзалларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ишлаб чиқилган (Дон давлат техника университетининг Шахти шахридаги филиали “Ҳизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳалари институти”, Россия).

Дунё тўқимачилик ва пойабзал индустрияси фанида пойабзал, кийим учун полимер-тўқима ва нотўқима материаллар бўйича қатор устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: кўп қатламли мембранали материалларни яратиш, қатламли материаллар таркибий қисмларининг табиати, конструктив, технологик хусусиятлари ва физик-механик, гигиеник хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилиш, табиий толалар ва уларнинг чиқиндилари асосида пойабзал учун янги астарлик материалларни яратиш, пойабзал ва кийим учун иссиқсақловчи полимер-тўқима ва нотўқима қатламли материаллар тўпламини ишлаб чиқиш, кўп қатламли материаллар орасидаги кимёвий, адгезион, когезион ўзаро таъсирлашувни аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатламли композицион материалларни таркиби, тузилиши, хоссалари, тўқимачилик ва пойабзал саноатида қўлланилиши бўйича тадқиқотларни W.C. Smith, J. Wang, S.D. Tohidi, Z. Denchev, O.A. Khondker, E. Selver, Андрианова Г.П. ва бошқа ҳорижий олимлар бажаришган. Нотўқима материалларни олиниши, тузилиши, хоссалари, енгил саноатда қўлланилиши бўйича тадқиқотларни A. Pourmohammadi, T.R. Lin, P.K. Patnaik, N. Mao, A. Wilson, L. Wang, B. Grabowska-Polanowska, H. Wang, Y. Yan ва бошқа олимлар олиб боришган. Термоизоляция полимер-нотўқима материалларини яратиш ва пойабзалда қўллаш бўйича Н.И. Герасименко, Md.O. Faruk, Y. Sun, A.B. Farnham, табиий жун асосида нотўқима материаллар яратиш бўйича Z.M. Ghermezgoli, U.N.

Erdogan, N.P. Gupta, Mahapatra's, H.J. Li, A. Sharma, T. Harizi каби олимлар тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонда У.М. Максудова, М.У. Илхамова ўз тадқиқотларида махсус хоссали пойабзални ишлаб чиқишда полимер-тўқима ва нотўқима материалларни қўллаш муаммоларини кўриб чиқишган.

Бажарилган тадқиқотларда қатламли материалларнинг табиати, макро ва микротузилиши, компонентларни бириктириш усуллари, механик мустаҳкамлиги, сув, ҳаво, буғ ўтказувчанлиги ва бошқа амалий хоссалари ўрганилган. Паст ҳароратдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган пойабзални лойиҳалашда пойабзалнинг астари ва пастки (таг) қисми материалларига алоҳида эътибор қаратилган. Юқори сифатли, иссиқликни ҳимояловчи пойабзалларни яратиш пойабзалнинг фаолият тури шароитларига (тактик-техник, эргономик, гигиеник ва эстетик талаблар) мувофиқлик даражасини тартибга солувчи турли тавсифномаларга қўйиладиган талаблар мажмуига асосланди. Санаб ўтилган кўрсаткичларнинг талаб қилинадиган даражасига эришиш аксарият ҳолатларда тегишли бошланғич материаллар, конструкция, ишлаб чиқариш технологияси, фурнитура ва ҳ.к. ларни қўллаш ҳисобига эришилади. Бу борада табиий жун толалари ёки уларнинг чиқиндиларидан фойдаланиб иссиқ пойабзал учун полимер-тўқима (нотўқима) қатламли материаллар яратиш истиқболли йўналиш эканлиги аниқланди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-3-16 рақамли “Ҳимояловчи махсус пойабзали учун иссиқликни ўтказмайдиган материаллар тўпламини тадқиқоти, уни тадбиқ қилиш ва ишлаб чиқиш” (2016-2018) ва ОТ-Атех-2018-18 рақамли “Юқори технологик тўплам материаллар ва чарм буюмларини тайёрлашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиб юқори ва паст ҳароратлардан ҳимояловчи махсус пойабзал янги конструкцияларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади термоизоляцияцион пойабзал деталлари учун полимер-тўқима (нотўқима) қатламли материалларни яратиш, структур, физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш, улар асосида пойабзал конструкцияси ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги кунда пойабзал учун полимер ва нотўқима композицион материалларини ишлаб чиқаришдаги муаммоларни таҳлил этиш;

полимер-трикотаж гидроизоляцияцион қатламли материалларини олиш ва хоссаларини тадқиқ этиш;

йигиришга яроқсиз, дағал туя ва қўй жуни, уларнинг чиқиндилари ҳамда трикотаж матолари асосида нотўқима материаллар яратиш;

табиий жун асосида олинган нотўқима материалларнинг макро ва микроструктураси аниқлаш;

қатламли материалнинг компонентлари орасидаги кимёвий, адгезион, когезин таъсирлашув қонуниятларини тадқиқ этиш;

полимер-нотўқима қатламли материалларнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш;

туя жуни асосида нотўқима қатламли материални қўллаган ҳолда термоизоляцияцион пойабзални лойиҳалаш, конструктив ва технологик параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли толали таркибли, геометрик ўлчамли трикотаж матолари, полиэтилен, поливинилхлорид, дағал туя ва қўй жуни, полиакрил елим, трикотаж-нотўқима қатламли материаллар, термоизоляцияцион махсус пойабзал олинган.

Тадқиқотнинг предмети полимер-трикотаж, табиий жун-трикотаж қатламли материалларнинг макро ва микроструктураси, морфологияси, қатламлараро боғларнинг табиати ва мустаҳкамлиги, физик-механик ва гигиеник хоссалари, махсус пойабзал тузилиши, ишлаб чиқариш технологияси, эксплуатацион хоссалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида материаллар механикаси, тажриба анализи ва математик статистика, ИҚ-Фурье спектроскопия, сканирловчи электрон микроскопия, физик-кимёвий ва рентгенофазавий анализ ва технологик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

трикотаж матонинг толали табиати ва тузилиши билан полимер-трикотаж қатламли материалларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари боғлиқлиги аниқланган;

дағал туя жунини ажратиш, тозалаш ва ундан игнасанчиш усули ҳамда нотўқима материал олиш услуги ишлаб чиқилган;

туя ва қўй жуни, турли трикотаж матолари, полиакрил елим асосида термоизоляцияцион қатламли материаллар ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

табиий жун толалари, полиакрил елим ва трикотаж толаларининг ўзаро таъсирлашуви кимёвий ва адгезион табиатга эга эканлиги қатламли материалнинг мустаҳкамлигини таъминлашлиги кўрсатилган;

табиий жун-трикотаж қатламли материалларининг физик-механик ва санитар-гигиеник хоссаларини уларнинг таркиби ва тузилишига боғлиқлик қонуниятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полиэтилен, поливинилхлорид пардалари, пахта, полиэфир, полиамид трикотаж матолари асосида мустаҳкамланган гидроизоляцияцион кўп қатламли материаллар яратилган;

игнасанчиш усули билан дағал туя жунидан нотўқима мато яратилган ва трикотаж-полимер-нотўқима қатламли материалларда қўлланилган;

туя ва қўй жуни, пахта ва пахта/полиэфир трикотаж матоси, тўрсимон елим парда асосида ҳаво ва буғ ўтказувчи, юқори термоизоляцияцион хусусиятли қатламли материаллар яратилган;

туя жуни асосида олинган қатламли астарлик материални қўллаган ҳолда қишки пойабзал намуналари яратилган;

совуқдан химоя қилувчи махсус пойабзалнинг конструктив ва технолоик параметрлари, технолоик регламенти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги катта ҳажмдаги тажриба материалларининг статистикаси, назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг мос келиши, полимер-тўқима композицион материалларнинг физик-кимёвий, спектроскопик, микроскопик, рентгенфазавий анализ натижалари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туя ва қўй жуни толаларининг найсимон эмаслиги, диаметрининг нисбатан катта эканлиги туфайли, улардан нотўқима материал олишнинг техник-иқтисодий афзаллиги асосланганлиги, суюқланган полиакрилатнинг жун толалари билан юқори мойиллиги, ўзаро диффузияси ва адгезияси натижасида қатламли материалнинг юқори мустаҳкамликка эга эканлиги, қатламли материалнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини бошқариш имкониятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти полимер-тўқима (нотўқима) қатламли материалларнинг пойабзалнинг термоизоляцияцион астарлик детали сифатида физик-механик хоссаларини аниқланганлиги, табиий толалар асосида яратилган қатламли материалларнинг термоизоляцияционлик, ҳаво ва буғ ўтказувчанлик хоссалари нисбатан юқори эканлиги, туя жунидан фойдаланган ҳолда махсус пойабзал конструкцияси ва ишлаб чиқариш технологиясининг яратилганлиги, юқори функционалликка эга бўлган қишки пойабзал ассортиментини кенгайтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пойабзал деталлари учун полимер-тўқима (нотўқима) қатламли материалларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туя жунидан нотўқима мато ва қатламли полимер материални ишлаб чиқариш технологияси “Sayfullayeva M.” тадбиркорлик корхонасида жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2021 йил 29 июндаги №ФБ-7/1764-сон маълумотномаси). Натижада трикотаж-нотўқима қатламли полимер материални ишлаб чиқариш параметраларини аниқлаш имконини берган;

полиуретан ва термопласт икки қатламли таглиги тановор билан қуйма усулда бириктириладиган, астар сифатида туя жунидан тайёрланган нотўқима материал қўлланилган баланд дастакли эркаклар пойабзали технологияси “ULKAN LAZIZ” МЧЖ ва “AZR, TEXTILE GROUP” МЧЖ корхоналарида жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2021 йил 29 июндаги №ФБ-7/1764-сон маълумотномаси). Натижада термоизоляцияцион пойабзални таннархини 9% камайишига эришилган;

полиуретан таглиги тановор билан елимлама усулда бириктириладиган, астар сифатида туя жунидан тайёрланган нотўқима материал қўлланилган баланд дастакли эркаклар пойабзали технологияси “CHARM POYABZAL INVEST” МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2021 йил 29 июндаги №ФБ-7/1764-сон маълумотномаси). Натижада махсус

соҳалар хизматчилари учун қишки пойабзал ишлаб чиқариш имконини берган;

NBR резина таглиги тановор билан қуйма усулда бириктириладиган, астар сифатида туя ва қўй жунидан тайёрланган нотўқима материал қўлланилган баланд дастакли эркаклар пойабзали технологияси “POYAFZALCHI” МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзчармсанот» уюшмасининг 2021 йил 29 июндаги №ФБ-7/1764-сон маълумотномаси). Натижада пойабзалнинг оргонометрик, гигиеник ва эстетик хусусиятлари 7-9 фоизга яхшиланишига эришилган;

пойабзаллар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Стандартлари: “Харбий хизматчилар учун берцаси баланд ботинка” (O’zDSt 3227:2017), “Харбийлар учун хром тузлари билан ошланган чармдан тайёрланган ботинка ва қўнжсиз ботинкалар” (O’zDSt 3228:2017), “Харбийлар учун пойабзал қолиплари” (O’zDSt 3229:2017), “Оёқ панжасини ўлчаш услуби ва харбийлар учун пойабзалнинг ўлчов-тўлалик ассортиментини ҳисоблаш” (O’zDSt 3230:2017) ишлаб чиқилди. Натижада харбий хизматчилар қишки пойабзали учун норматив ҳужжатлар комплекси ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 38 та, жумладан 10 та халқаро ва 28 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 58 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 17 та мақола, чет эл нашрларида 8 та мақола, жумладан 5 та Scopus базасига киритилган нашрларда мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, унинг объекти, предмети ва усуллари аниқланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялари ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пойабзал деталларини ташкил этувчи замонавий материаллар тахлили**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган, нашр этилган ишлар манбалари

бўйича илмий изланишлар ва таҳлил натижаларининг муҳокамаси берилган. Полимер-тўқима ва нотўқима композицион материалларнинг назарий асослари, таркиби, табиати, конструкцияси ва технологияси, термоизоляцияцион полимер-нотўқима қатламли материаллар таҳлили асосида табиий жун толалари ёки уларнинг чиқиндиларидан фойдаланиб иссиқ пойабзал учун полимер-тўқима (нотўқима) қатламли материаллар пакетини ишлаб чиқиш, ундаги компонентларнинг кимёвий, адгезион, когезион таъсирлашувини тадқиқ этиш, ишлаб чақиришнинг содда ва оммабоп технологиясини яратиш, материалнинг структур-морфологик, физик-кимёвий ва механик хоссаларини аниқлаш ва иссиқсақловчи пойабзал конструкциясида қўллаш долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланишлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Полимер-трикотаж қатламли материаллар**» деб номланган иккинчи бобида қатламли материаллар таркибий қисмларининг тавсифи, полимер-трикотаж қатламли материалларни олиниши ва физик-механик хоссалари муҳокама этилган. Икки хил полимер – полиэтилен ва поливинилхлорид (ПВХ) асосида тўрт хил трикотаж тўрлар ва солиштириш учун шиша толали тўрдан фойдаланиб мустаҳкамланган полимер-тўқима қатламли материаллар олинди. Полиэтилен парда ўз холича ишлатилди, ПВХ дан аввал ПВХ-композит тайёрланди. Композит синтетик чарм, ленолиум, ёпқич материалга тавсия этилган таркиб асосида тайёрланди (масса %): асосий боғловчи матрица ПВХ – 60, пластификатор диоктифталат – 25, тўлдирувчи бўр – 8, барқарорлаштирувчи кальций стеарат – 7.

Полимер-тўқима композитлар трикотаж матонинг икки тарафидан полимер пардаларни жойлаштирган ҳолда қиздириладиган сиқувчи валлардан босим остида ўтказиш орқали шакллантирилди. Полимерларнинг шишаланиш ва суюқланиш ҳароратларини ҳисобга олган ҳолда қиздириш валининг ҳарорати ва қатламларнинг вал орқали ўтиш тезлиги тажрибавий ва ҳисобли тарзда аниқланган. Қатламларнинг ўтиши тезлиги 0,53 м/дақ. бўлганда қалинлиги 100 мкм бўлган полиэтилен учун қиздириш элементининг оптимал ҳарорати $78 \pm 5^{\circ}\text{C}$ бўлади. Қалинлиги 1,2 мм бўлган ПВХ-композит учун қиздириш элементининг оптимал ҳарорати – $175 \pm 5^{\circ}\text{C}$.

Тўрли материал билан мустаҳкамланган полиэтилен пардаларнинг физик-механик хоссалари қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

1 жадвал

Полиэтилен-тўқима қатламли материалларнинг физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар	Тўқима тури			
	Шиша толали тўр	Трикотаж тўр		
		Пахта калавасидан	Полиэфир ипидан	Капрон ипидан
Қалинлиги, мм	0.4	0.6	0.4	0.4
Юза бирлигидаги массаси, г/м ²	223	200	198	198
Узилиш кучи, Н				
Бўйига	530	480	510	690
Энига	472	420	445	614

Нисбий чўзилиш, %				
Бўйига	12.6	118.0	88.5	131.0
Энига	4.5	117.2	105.0	110.3

Полиэтилен-трикотаж қатламли материалларнинг физик-механик хоссалари, айниқса нисбий чўзилувчанлиги, полиэтилен-шиша тола материалга нисбатан яхши. Полиэтилен-трикотаж материалларнинг физик-кимёвий хоссалари трикотаж тўрларининг табиати ва тузилишига боғлиқ бўлса, уларнинг эксплуатацион хоссалари полимернинг хоссалари билан белгиланиши маълум бўлди. Композицион материалнинг фазавий ўтишлар ва ишчи температураси, сув ва ҳаво ўтказмаслиги барча турдаги трикотаж тўрлари учун бир хил, сув ютиш хусусияти пахтали трикотаж учун синтетик толали трикотажга нисбатан икки марта каттароқ. Буни пахта толаларининг гидрофиллиги юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

ПВХ-трикотаж қатламли материалларнинг физик-механик хоссалари 2 жадвалда келтирилган.

2 жадвал

ПВХ-тўқима қатламли материалларнинг физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар	Тўқима тури			
	Шиша толали тўр	Трикотаж тўр		
		Пахта ипидан	Полиэфир ипидан	Капрон ипидан
Қалинлиги, мм	1.14	1.45	1.30	1.43
Юза бирлигидаги массаси, г/м ²	1444.6	1485.5	1465.3	1468.2
Узилиш кучи, Н				
Бўйига	921	950	1020	1300
Энига	869	870	920	1180
Нисбий чўзилиш, %				
Бўйига	195.9	163.5	206.5	200.2
Энига	172.1	117.2	186.0	180.0

2-жадвал маълумотларидан шиша толали қатламга эга композит билан таққослаганда ПВХ-трикотаж қатламли материалларнинг физик-механик хоссаларининг устуворлиги кўриниб турибди. Барча намуналар учун чўзилишда мустаҳкамликнинг ортиши кузатилади. Бу шундан далолат берадики, ғовакли структурага эга бўлган трикотаж тўрли каркас ПВХ қатлам билан мустаҳкам боғланади. Узиш кучи таъсир қилганда қатламли полимер материал ўзини монолит композиция сифатида намоён қилади. ПВХ-трикотаж композитининг физик-кимёвий хоссалари ҳам, эксплуатацион хоссалари ҳам поливинилхлориднинг хоссалари билан белгиланади.

Диссертациянинг «Пойабзалнинг юқори технологик тўплам материаллари тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида термоизоляцияцион пояабзал учун нотўқима материалларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш, астар материални пояабзалнинг иссиқликни ҳимоялаш хоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш натижалари муҳокама этилган.

Намат ва фетр нотўқима материалларнинг хиллари бўлиб, улар ҳозирги вақтда нафақат пиймали пойабзалларни тайёрлашда, балки турли хилдаги кундалик ва уй пойабзалларини тайёрлашда кенг қўлланилади. 3 жадвалда акрил толасидан тайёрланган турли қалинликдаги ва турли рангдаги синтетик фетр намуналарининг физик-механик хоссалари келтирилган.

3-жадвал

Наматли материал – акрилли фетрларнинг физик-механик хоссалари

№	Материал	Қалин-лик, Мм	Зичлик, г/см ³	Иссиқлик сақлов-чанлик, %	Сув ўтка-зувчан-лик, мм сув устуни	Ишқалашга чидамлилиқ, цикл
1		2,8	0,182	52,8	92	21000
2		2,0	0,135	48,7	84	16500
3		0,7	0,210	30	87	12100

3-жадвалдан маълум бўлишича, материалнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ва ишқаланишга чидамлилиги унинг қалинлигига боғлиқ, бу кўрсаткичларнинг энг катта қиймати энг қалин материал учун кузатилди. Материалнинг сув ўтказувчанлиги эса кўпроқ унинг зичлигига боғлиқ, қизил материалнинг зичлиги қалинлиги камроқ бўлса ҳам, зичлиги катталиги ҳисобига сув ўтказувчанлиги сариқ материалникидан юқорироқ.

Маълумки, пойабзалларда иссиқликни ўтказиш (иссиқликни сақлаш) хусусияти турли хил омилларга таъсир кўрсатади. Улардан муҳимлари: пойабзални ўзига хос конструкцияси, унинг шакли, остки ва устки конструкцияси, материалларни ўзига хос иссиқликни ўтказиш хоссалари, уларни нимадан тайёрлангани, шунингдек алоҳида деталларнинг ўзаро бирикиш усули ва бошқалар. Пойабзал материалининг ўзига хос физик ҳолати энг катта аҳамиятга эга.

Махсус пойабзал конструкциясида турли хил пастки ва устки материалларнинг қаршили иссиқликни сақлаш учун жавобгар ҳисобланади. Устки ва остки материалларнинг у ёки бу хоссаларини баҳолашда деталларнинг конструкциясини кўриб чиқиш керак бўлади. Устига – иссиққа чидамли чарм, астарга – махсус иссиқни сақловчи материаллар, муйна ва қалин тукли ярим жун газлама, остига – ғовакли резина каби материаллар қўллаганимизда иссиқликни сақлаш хоссалари энг юқори кўрсаткичларга эга бўлади (4-жадвал).

4-жадвал


Пойабзал иссиқни сақлаш хусусиятига астарлик материалларни таъсири

Кўрсаткичлар	Пойабзал таглиги материали	Астарликларни кўриниши					
		Тик-саржа	Пахта байка	Пахта сукно меланжли	Жун аралаш мали байка	Капрон тотали байка	Кўй мўйнаси (цигейка)
Устки иссиқлик қаршилиги, м ² ·с·г рад/кЖ	-	0,019	0,021	0,021	0,026	0,029	0,040
Иссиқлик қарши-	Чарм	0,055	-	-	0,062	0,062	0,076

лигини умумий йиғиндиси, $M^2 \cdot c \cdot r$ рад/кЖ	Говакли резина	0,057	0,057	-	0,062	0,064	-
---	----------------	-------	-------	---	-------	-------	---

Иссиқлик қаршилиги умумий йиғиндиси кўрсаткичлари пойабзал устки астарлиги учун материал кўринишига ва қўлланишига катта даражада боғлиқ. Пойабзалнинг астари, устки қисмининг ташқи деталларига нисбатан кўпроқ даражада оёқ панжаси билан контактда бўлади ва ўзига хос ғилоф вазифасини бажаради. Пойабзал ичидаги микроиклим кўп жиҳатдан пойабзал астарига боғлиқ.

Бир қатор астарбоп материалларнинг физик-механик ва гигиеник хоссалари тадқиқ этилди. Тадқиқ этилаётган турли астарлик материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлик хоссаларини комплекс тахлили натижалари 1 расмда келтирилган диаграммада умумлаштирилди.



1-расм. Пойабзал астарлик материалларининг иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятлари кўрсаткичлари диаграммаси: 1 – туя жунидан тайёрланган нотўқима мато, 2 – қўй жунидан тайёрланган кигиз, 3 – қўй мўйнаси (Туркия), 4 – қўй мўйнаси (Қозоғистон), 5 – жунли сунъий мўйна, 6 – қўй мўйнаси (Ўзбекистон), 7 – ярим жунли сунъий мўйна, 8 – калта жунли фетр, 9 – “Spigatino” мембрана материали (Италия), 10 – AQUAT мембрана материали (Италия)

Астарлик материалларининг қалинлиги иссиқлик ўтказувчанлик кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади – материал қанча қалин бўлса, материалнинг ҳимоя хусусиятларининг кўрсаткичлари шунча юқори бўлади. Сунъий ва табиий мўйналарнинг қалинлиги 2,29 мм дан 2,88 мм гача чегарада ўзгаради, тукнинг баландлиги 9,5 мм дан 15,2 мм гача ўзгаради. Табиий ва сунъий мўйналарнинг иссиқликни сақлаш хусусиятлари 51,27% дан 68,39% гача бўлган кичикроқ чегарада ўзгаради, қалинлигида сезиларли фарқлар бўлишига қарамасдан – 1,4-6,3 мм, мембранали материалларда иссиқлик ўтказувчанлик кўрсаткичи пастроқ – 49,8-52,52 %.

«Siretessile» (Италия) фирмасининг астарбоп материаллари AQUAT мембранасидан фойдаланиб тайёрланади, бу мембрана енгил, нафас олувчи ва сув ўтказмайдиган мембрана бўлиб, у пойабзалнинг астари ва тепа қисми

орасида жойланади. Астарлик мембранали материалларнинг паст даражадаги иссиқликни сақлаш хусусиятлари қалинлигининг камлиги ва таркибда материалларнинг иссиқликни сақлаш хусусиятларини пасайтирувчи кимёвий толаларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади.

Кигизнинг юқори даражадаги иссиқликни сақлаш хусусиятлари кўрсаткичлари унинг сезиларли қалинликда бўлиши – 6,3-6,5 мм ва мато тузилмасининг ўзига хослиги билан тушунтирилади. Иссиқлик сақлаш хусусияти бўйича энг юқори кўрсаткични табиий туя ва қўй жунидан тайёрланган нотўқима материаллар намоён этади – 81,4-85,2 %. Табиий, атроф-муҳит учун хавфсиз ва соғлиқ учун фойдали бўлган материаллардан фойдаланиш жаҳон модаси, айниқса, иссиқ пойабзал модасининг тренди ҳисобланади.

Пойабзал астарлик композицион материалларини ишлаб чиқаришдаги инновацион технологияларни таҳлил қилиш матолар, табиий ва сунъий мўйна, трикотаж, нотўқима материаллар ва полимер пленкаларнинг уйғунлигидан фойдаланиш кераклиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Пойабзалларни лойиҳалашда кийиб юрувчи учун оёқ панжасига паст хароратларнинг таъсир қилиши шароитларида қулайликни таъминлаш учун материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятларига боғлиқ ҳолатда астарлик материаллар тўпламини лойиҳалаш тавсия қилинади.

Диссертациянинг «**Туя ва қўй жуни асосида пойабзал учун кўп қатламли нотўқима материаллар**» деб номланган тўртинчи бобида термоизоляциянон нотўқима материалларнинг таркибий қисмлари тавсифи, кўп қатламли материалларнинг олиниши, Фурье-ИК спектроскопик, морфологик, рентггефазавий, физик-механик ва гигиеник хоссалари тадқиқоти натижалари муҳокама этилган.

Қўй ва туя жунининг ювилган, тозаланган, лекин йигиришга яроқсиз, дағал толалари Тошкент шаҳридаги “М.Сайфуллаева” хусусий корхонаси томонидан тақдим этилган. Туя жуни толаларининг ўртача узунлиги – 8-8,5 мм, қўй жуни толалариники – 4-4,5 мм. Толалар қалинлиги $1,8 \pm 0,2$ мм бўлган текис қатламга материалнинг узунлиги йўналиши бўйича ётқизилган ва игна санчиқ усули билан маҳкамланган (2-расм).



2-расм. Игна санчиқ усули билан туя жунидан олинган нотўқима мато тасвири

Игна санчиш жараёнининг техник параметрлари: матонинг ишчи кенлиги – 2,2 м, санчишлар частотаси – $280-300 \text{ мин}^{-1}$, санчишлар зичлиги – 6000 м^{-2} , ишлаб чиқариш унумдорлиги – 80-84 м/с.

Пастки қатлам учун жакардли таралган трикотаж мато 50/50 нисбатда пахта ва полиэфир аралашмасидан ташкил топган. Устки қатлам учун трикотаж мато “супрем лайкра” 95% пахта ва 5% лайкрадан ташкил топади, 28 синф трикотаж машинасида тайёрланган (5-жадвал). Қатламларни бириктирувчи восита сифатида қалинлиги 0,1 мм бўлган рангсиз полимер елим танланди.


5-жадвал**Фойдаланилган трикотаж матоларнинг хоссалари**

Кўрсаткичнинг номи	Пастки трикотаж	Устки трикотаж
Узилишдаги мустаҳкамлик, Н		
узунлиги бўйича	269	401
эни бўйича	203	296
Нисбий узайиши, %		
узунлиги бўйича	39	18
эни бўйича	71	68
Сирт зичлиги, г/м ²	160.3	157.5
Ҳаво ўтказувчанлик, дм ³ /м ² ·с	72.6	148.7
Ейилишга чидамлик, циклар	9500	14500

Кўп қатламли материалларнинг олиниши. Кўп қатламли композицион материалнинг тўртта варианты олинди (6-жадвал). Материалларни шаклланиш жараёни 3-расмда тасвирланган.


6-жадвал**Кўп қатламли материалнинг шаклланиши вариантлари**

Материал рақами	Нотўқима қатлам	Ташқи қатламлар	Бириктириш усули
I	Туя жуни	Икки томони жунли трикотаж мато	Трикотаж қатламлар жун билан сидирға елим пардаси билан бириктирилган
II	Қўй жуни	Икки томони жунли трикотаж мато	Трикотаж қатламлар жун билан сидирға елим пардаси билан бириктирилган
III	Туя жуни	Икки томони жунли трикотаж мато	Трикотаж қатламлар жун билан тўрсимон елим пардаси билан бириктирилган
IV	Туя жуни	Бир томони жунли трикотаж полотно	Трикотаж қатламлар жун билан тўрсимон елим пардаси билан бириктирилган



3-расм. Кўп қатламли материалнинг шаклланиши шакли. 1 – устки трикотажд, 2 – туя ёки кўй жуни, 3 – полимер елим, 4 – пастки трикотажд, 5 – қурилмада қатлмларни маҳкамлаш, 6 – композицион материалнинг умумий кўриниши, 7 – материалнинг кўндаланг кесими.

Олинган материалларнинг конструкциялари 4-расмда келтирилган.




4-расм. Кўп қатламли

материалларнинг конструкциялари.

I ва II (a): 1 – устки трикотажд, 2 – туя (I) ёки кўй (II) жуни, 3 – сидирға елим пардаси, 4 – пастки трикотажд; III (b): 1 – устки трикотажд, 2 – туя жуни, 3 – тўрсимон елим пардаси, 4 – пастки трикотажд. IV (c): 1 – туя жуни, 2 – тўрсимон елим пардаси, 3 – трикотажд мато

Материалларни тайёрлаш учун 6-жадвал ва 4-расмда кўрсатилган конструкция бўйича қатламлар жойлаштирилади. Кўп қатламли материаллар босим остида ва қиздиришда барча қатламларни бир вақтнинг ўзида бирлаштириш йўли билан шакллантирилади. Бунинг учун тўпلامга келтирилган материал қиздириладиган сиқиш валлари орқали ўтказилади. Барча материалларни тайёрлашда валнинг температураси $150 \pm 5^\circ\text{C}$, материалнинг вал билан контакт вақти 2.0 ± 0.2 минут. Қатламлар ўзаро бирлаштирувчи қурилманинг қиздириладиган валлари босими остида маҳкамланади.

Материалларни Фурье-ИК спектроскопик тадқиқотлари. Туя ва қўй жунининг Фурье-ИК спектрларида оксилли макромолекула боғларига тегишли ютилиш йўлкалари аниқланган, елимнинг спектрида акрил полимерининг ютилиш йўлкаси аниқланган (5-расм). Шу билан бирга туя ва қўй жунлари толаларининг Фурье-ИК спектрларининг бир-бирига ўхшашлиги аниқланди.



5-расм. Туя жуни (а), қўй жуни (б) толаларининг, полимер елимнинг (с), елимни туя жуни (д) ва қўй жуни (е) билан таъсирлашув маҳсулотларининг Фурье-ИК спектрлари

5-расмда қуйидаги характеристик ютилиш чизиқлари намоён бўлди.

Туя жунининг Фурье-ИК спектрида: $3277.64 - \nu_{N-H}$, $2924.24 - \nu_{C-H}$, $1633.34 - \nu_{C=O}$ (амид I чизиғи), $1514.87 - \delta_{N-H}$ (амид II чизиғи), $1446.96 - \delta_{O-H}$, $1393.14 - \delta_{C-H}$, $1234.60 - \delta_{NH} + \nu_{CN}$, $1040.89 - \nu_{C-O}$, $452.87 - \delta_{O=C-N}$.

Қўй жунининг Фурье-ИК спектрида: $3278.78 - \nu_{N-H}$, 2920.68 , $2850.88 - \nu_{C-H}$, $1632.82 - \nu_{C=O}$ (амид I чизиғи), $1514.62 - \delta_{N-H}$ (амид II чизиғи), $1447.64 - \delta_{O-H}$, $1406.16 - \delta_{C-H}$, $1237.07 - \delta_{NH} + \nu_{CN}$, $1077.90 - \nu_{C-O}$, $872.91 - \delta_{N-H}$, $503.99 - \delta_{O=C-N}$.

Полимер елимнинг Фурье-ИК спектрида: 2915.32 , $2848.81 - \nu_{C-H}$, $1696.91 - \nu_{C=O}$, $1468.25 - \delta_{C-H}$, 1256.35 , $937.14 - \nu_{C-O}$, $717.48 - \delta_{C-H}$.

Полимер елим билан модификацияланган туя жунининг Фурье-ИК спектрида: $3277.83 - \nu_{N-H}$, 3068.92 , 2916.00 , $2848.76 - \nu_{C-H}$, $1694.74 - \nu_{C=O}$, $1640.06 - \nu_{C=O}$ (амид I чизиғи), $1515.81 - \delta_{N-H}$ (амид II чизиғи), $1466.83 - \delta_{C-H}$, $1407.18 - \delta_{C-H}$, $1237.98 - \delta_{NH} + \nu_{CN}$, $1041.43 - \nu_{C-O}$, $875.11 - \delta_{N-H}$, $717.88 - \delta_{C-H}$, 518.13 , $463.84 - \delta_{O=C-N}$.

Полимер елим билан модификацияланган қўй жунининг Фурье-ИК спектрида: $3278.40 - \nu_{N-H}$, 2916.62 , $2849.22 - \nu_{C-H}$, $1636.03 - \nu_{C=O}$ (амид I чизиғи), $1513.92 - \delta_{N-H}$ (амид II чизиғи), $1466.85 - \delta_{C-H}$, $1406.30 - \delta_{C-H}$, $1235.88 - \delta_{NH} + \nu_{CN}$, $1043.08 - \nu_{C-O}$, $873.42 - \delta_{N-H}$, $717.44 - \delta_{C-H}$, $463.10 - \delta_{O=C-N}$.

7-жадвалда жун толаларининг полимер елим билан ўзаро таъсирлашуви натижасида спектрларда бўладиган ўзгаришлар таҳлили келтирилган.

7-жадвал

Жун толалари, акрил елими ва уларнинг ўзаро таъсирлашув маҳсулотлари боғларининг Фурье-ИК спектрал ютилиш чизиқлари


Модда	Тебраниш, боғ тури, ютилиш чизиғи, см ⁻¹								
	ν_{N-H}	ν_{C-H}	$\nu_{C=O}$	δ_{N-H}	δ_{O-H}	δ_{C-H}	$\delta_{NH} + \nu_{CN}$	ν_{C-O}	$\delta_{O=C-N}$
Туя жуни	3278	2924	1633	1515	1447	1393	1235	1041	453
Қўй жуни	3279	2921 2851	1633	1515 873	1448	1406	1237	1078	504
Акрил елими		2916 2849	1697			1468 717		937	
Туя жуни + елим	3278	3069 2916 2849	1695 1640	1516 875		1467 1407 718	1238	1041	518 464
Қўй жуни + елим	3278	2917 2849	1636	1514 873		1467 1406 717	1236	1043	463

Бошланғич туя ва қўй жуни толалари сингари, уларнинг полимер елим билан ўзаро таъсирлашув маҳсулотлари спектрлари ҳам деярли ўхшаш эканлиги аниқланди. 5-расмдан, шунингдек, 7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жуннинг полимер елим билан ўзаро термик таъсирлашуви маҳсулотининг Фурье-ИК спектрида жуннинг пептид гуруҳлари C – N боғларининг валент ва деформацион тебранишлари, жун ва елимнинг C – H боғлари валент ва деформацион тебранишлари ютилиш чизиқлари деярли ўзгаришсиз қолади. Маҳсулотда жуннинг O – H гуруҳ деформацион тебранишлари ютилиш чизиғи аниқланмади.

Жун ва елим боғларининг C = O ва C – O валент тебранишлари, жун оксилининг O = C – N скелетининг деформацион тебранишлари ютилиш йўлкаларининг солжиши кузатилади. Бу ўзгаришлар полимер елим ва жун молекулалари орасида кимёвий ўзаро таъсирлашув кечаётганлигидан далолат беради. Эҳтимол, жун ва полимер орасида янги мураккаб эфир боғларнинг ҳосил бўлиши билан оксил макромолекулаларининг гидроксил гуруҳлари ва елим макромолекуласининг мураккаб эфир гуруҳи ҳисобига қайта этерификация содир бўлади. Бу мулоҳаза маълум даражада жун ва унинг елим билан ўзаро таъсирлашуви маҳсулотининг микроструктурасини тадқиқ қилиш билан тасдиқланди.

Қатламли материаллар морфологияси тадқиқоти. Фойдаланилган жун толаларининг диаметри 20 дан 160 микронгача ўзгаради, қалинлик бўйича ўртача толалар 40-50 мкм диаметрга эга бўлади (6-расм, а, б). Бу пахта толаларининг диаметрига нисбатан тахминан уч марта ва ипак

толаларининг диаметрига нисбатан тўрт марта катта. Маълумки, диаметри 14-19 мкм бўлган жун толалари йигириш нуқтаи назаридан энг маъкули ҳисобланади. Кўпчилик табиий толалар найча шаклида бўлиб, бўшлиққа эга бўлади, бу уларнинг зичлиги кичик бўлишига олиб келади. Номунтазам масофаларда ҳосил бўладиган тугунлар уларни алоҳида хужайраларга ажратиб туради. Табиий толаларнинг юзаси ғадир-будир ва нотекис бўлиб, композицион структурада матрица билан яхши илакишишни таъминлайди.




6-расм. Туя жуни (а, с) ва қўй жуни (b, d) толаларининг СЭМ тасвирлари

Пахта ва ипак толаларидан фарқли равишда, тадқиқ қилинган жун толалари найча кўринишидаги бўшлиққа эга бўлмайди, зич ҳажмли тола кўринишига эга бўлади (6-расм, с, d). Дағал, зич ва диаметри бўйича бир хил бўлмаган туя ва қўй жуни толалари йигирилиши қийин ҳисобланади. Бу ҳолат тадқиқ қилинган толалардан кийим ва пойабзал учун кўп қатламли материалларнинг нотўқима қатлами сифатида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.




Полимер елим текис, силлиқ структурага ва тахминан 100 мкм қалинликка эга. 7-расмда кўп қатламли композицион материалнинг кўндаланг кесими морфологияси кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, нотўқима жун қатлам материалнинг асосий қалинлигини ташкил қилади, жун қатламда толалар асосан узунасига жойлашган. Жун ва трикотаж қатламлар орасида юпқа елим қатлами жойлашган. Бу ерда нотўқима қатламда жун толаларининг диаметри трикотаждаги пахта толалари диаметрига нисбатан анча каттароқлигини кўриш мумкин. Материал трикотаж қатламининг қалинлиги тахминан 500 мкм ни ташкил қилади, бу бошланғич трикотажнинг қалинлигига мос келади. Елим қатламининг тақсимланиш қалинлиги

полимер бошланғич парданинг қалинлигига нисбатан кўпроқ (120-140 мкм). Қиздирилганда суюқланган елим ҳам жун, ҳам трикотаж қатламга диффузияланади. Шунинг учун унинг тақсимланиш соҳаси бошланғич парданинг қалинлигига нисбатан анча кенгроқ.




7-расм. Кўп қатламли композицион материалнинг кўндаланг кесими. 1,4 – трикотаж мато, 2 – туя жун, 3 – елим

Полимер елим ҳам жун, ҳам пахта толаларига яхши мойил, қатламли нотўқима материалнинг адгезион мустаҳкамлиги таъминлайди. Мато ичидаги когезия нотўқима материални ташкил қилувчи тола ва тутамлар орасида янада чигаллашиш ва ишқаланиш натижаси ҳисобланади. Полимер елимда гидроксил, карбоксил ёки аминогуруҳлар каби кутбли функционал гуруҳлар мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, елим пардаси сув билан етарлича яхши намланади (8-расм).



8-расм. Елим пленкаси юзасининг сув томчиси билан намланиш бурчаги




9-расм. Полимер елим билан модификацияланган жун толалари морфологияси

8-Расмдан кўриниб турибдики, елим парда юзасининг сув билан хўлланиш бурчаги 30-50° ни ташкил этади, шунинг учун суюқланган елим жун толаларини яхши хўллайди.

9-расмдан кўриниб турибдики, жуннинг баъзи толалари эриган елимда «чўкиб» кетади. Елимнинг толалар билан контактининг баъзи жойларида фазалар ажралиш сиртининг мавжуд эмаслиги елим полимери ва жуннинг оксил молекуласи орасида кимёвий боғ ҳосил бўлишини яна бир марта исботлайди.

Қатламли материалларнинг рентгезазавий тадқиқоти. Табиий полимерлар (жун ва пахта) кристалли соҳаларга эга аморф тузилишга эга. Туя ва қўй жуни мутлақо бир хил рентген спектрини намоён қилади (10-расм).




10-расм. Жун толаси (а), полимер елим (b) ва уларнинг ўзаро таъсирлашув маҳсулоти (с) рентгенограммалари

10-расмдан кўринишича бошланғич полимерлар кристаллик соҳаларига эга бўлган аморф моддалардир. Жуннинг кристалл соҳаси дифракция бурчаги ($^{\circ}2\theta$) 26,5 га тенг бўлганда интенсив рефлекс хосил қилади, полимер елимники 21,5 га тенг дифракция бурчагида кристаллик сигналиги намоён этади. Компонентларнинг ўзаро таъсирлашув маҳсулотида жуннинг кристалл соҳаси йўқолади, жуннинг молекулалари полимер структурасига сингиб кетса керак. Маҳсулот кристалл фазасининг рефлекси полимернинг кристалл соҳаси интенсивлигига нисбатан камаяди. Дастлабки жун толаларининг кристаллик даражаси 65%, полимер елимники 67% га тенг бўлса, уларни таъсирлашув маҳсулотининг кристаллик даражаси 47% ни ташкил этади. Бу ҳолат полимерни жун билан термик таъсирлашуви натижасида ғовоклилиги ва ҳажмининг ортиши натижасида содир бўлади. Ушбу натижа СЭМ усули тадқиқотларида аиқланган полимер парда қалинлиги ортганлигини қандайдир даражада тушинтиради.

Шундай қилиб, толаларнинг акрил елими билан ўзар термомеханик таъсирлашувида бошланғич толага нисбатан кристаллилик даражасининг камайиши содир бўлади.


Қатламли нотўқима материалларнинг физик-механик ва гигиеник хоссалари. Олинган қатламли материалларда чўзилишда мустаҳкамликнинг ҳам узунлик бўйича, ҳам эни бўйича нисбий узайишига боғлиқлиги тадқиқ қилинган (11-расм).



11-расм. Чўзилишда мустаҳкамликнинг бўйи (а) ва эни (б) бўйича нисбий чўзилишга боғлиқлиги: I туя жуни ва II қўй жуни икки тарафи сидирға елим парда, трикотаж; III туя жуни икки тарафи тўрсимон елим прада, трикотаж; IV туя жуни бир тарафи тўрсимон елим парда, трикотаж

Расм маълумотларидан кўришиб турибдики, олинган барча материаллар чўзишда 250 Н дан кўпроқ бўлган юқори мустаҳкамликка эга. Кутилганидек, пастки ва устки томондан трикотаж матога эга бўлган материаллар (I ва II) учун энг юқори мустаҳкамлик аниқланган. Бунда барча материаллар учун эни бўйича нисбий узайиш бўйи бўйича нисбий узайишга нисбатан тахминан уч марта катта. Бу ҳолат трикотаж матоларнинг хоссалари билан тушунтирилади.

I ва II материаллар бошқа физик-механик хоссалар бўйича ҳам юқорироқ кўрсаткичларга эга, бироқ гигиеник хоссалари яхши эмас. Термогидрокамфортнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири – буғ ўтказувчанлик кузатиш орқали (сифат кўрсаткич, 12-расм) ҳамда стандарт талаблари бўйича (миқдорий кўрсаткич, 8-жадвал) аниқланди.



